




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 145 (9.183)



1998 йил

9 декабрь, чоршанба




Сотувда эркин нархда

1999 йил — АЁЛЛАР ЙИЛИ БЎЛАДИ



Юртимиз байрам ли-
босида. Ҳар бир қалбда
қўтаринкилик, хуш кай-
фият ҳукмрон. Халқимиз
Асосий Қонуни — Ўз-
бекистон Республикаси
Конституцияси қабул қи-

линган куннинг олти йил-
лигини кенг нишонламоқ-
да.
5 декабрь куни Тошк-
енда шу санага бағишлан-
ган тантанали йиғилиш бўл-
ди. Муҳташам «Туркистон»



саройига Тошкент шаҳар
жамоатчилиги вакиллари,
пойтахтимиз меҳмонлари,
хорижий давлатларнинг
мамлакатимиздаги элчихо-
налари ҳамда Ўзбекистон-
да фаолият кўрсатаётган

халқаро ташкилотларнинг
вакиллари йиғилдилар.

Тантанали йиғилишни
Тошкент шаҳар ҳокими К.
Тулаганов очди.

Ўзбекистон давлат мад-
ҳияси янграйди.

Ўзбекистон Олий Мажли-
си Раисининг ўринбосари
Б. Шодиева Ўзбекистон Ко-
нституциясининг аҳамияти
тўғрисида маъруза қилди.
Ўзбекистон Республика-
си Президенти Ислам Ка-
римов тантанали йиғилиш-
да нутқ сўзлади.

Йўлбошимиз ўз сўзида
Асосий Қонуни — наза-
рий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч
ва мажбуриятларимиз маж-
муасига эмас, балки ҳаё-
тимизни фаровон этиш, ўз
ҳақ-ҳуқуқимизни таъмин-
лаш, жамиятда адолат ус-
туворлигини ўрнатилиши-
ни ҳаётбахш манбаи эканли-
гини таъкидлади.

— Бу олижаноб мақсадлар-
га эришиш учун барчамиз,
аввало, Конституциямиз ва
қонунаримизнинг тўб моҳия-
тини англаб етишимиз ва
уларни ҳаётга тадбиқ этиш

йўлида биргаликда қатъият
билан курашмоғимиз лозим.
Қонун каттаю кичик, жинси,
миллати, этники ва ман-
сабидан қатъий назар, бар-
чамиз учун устувор бўлмоғи
керак, — деди Ислам Ка-
римов.

Маълумки, мамлақати-
мизда 1997 йил — Инсон
манфаатлари йили, 1998
йил эса Оила йили деб эъ-
лон қилинган эди. Прези-
дентимиз 1999 йилни Аёл-
лар йили деб эълон қилиш
тўғрисидаги таклифини
айтганида, залда ўтирган-
лар уни гудурас қарсақлар
билан кутиб олди.

Келгуси йилни Аёллар
йили деб эълон қилиши-
мизнинг ўзига хос сабаб-
лари бор, деди йўлбошимиз.
Аввало бу Инсон ман-
фаатлари ва Оила йили
деб эълон қилиниб, қўлдан-
қўл савобли ишлар амалга
оширилган жараённинг
мантийқий давоми бўлади.

Чунки инсон, оила, аёл ту-
шунчаларини бир-биридан
ажралган ҳолда тасаввур
этиш қийин. Оналаримиз,

опа-сингилларимиз, умр
йўлдошларимиз, қизла-
римизнинг жамиятдаги
ўрни ва мавқеини янада
ошириш, ҳурматини
жойига қўйиш, уларнинг
огирини енгил қилиш —
давлатимизнинг, ҳукума-
тимизнинг, жойлардаги
ҳокимликларнинг, кенг
жамоатчилиқнинг асосий
вазифаси бўлмоғи керак.
Албатта шу масала бўйи-
ча кенг қўламда дастур
қабул қилиниши лозим.

Йиғилишда Олий Маж-
лис Раиси Э. Халилов, Бош
вазир Ў. Султонов, Прези-
дентнинг давлат маслаҳат-
чилари, Олий Мажлис Раи-
сининг ўринбосарлари,
Бош вазир ўринбосарлари
ва бошқа расмий кишилар
қатнашди.

Тантанали йиғилиш Ўз-
бекистон санъат усталари
ва бадиий ҳаваскорлари-
нинг катта концерти би-
лан тугади.

СУРАТЛАРДА: тантанали
йиғилиш пайти.

А. Тўраев ва М.Амин ол-
ган суратлар.

(Ў.А.)

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Муста-
қиллигининг 7 йиллик
байрами арафасида
Президент Ислам Ка-
римов Фармонига қўра,
давлат ва халқ олдида-
ги хизматлари, исло-
хотларни чуқурлашти-
ришдаги фаолияти,
мамлакат ижтимоий-
сиёсий ҳаётидаги фаол
иштироки, миллий ис-
тиқлол гоёларини
амалга оширишга қўш-
ган ҳиссаси, илм-фан,
маданият ва таълимни
ривожлантириш йўли-
даги ютуқлари учун
юртдошларимиздан
катта бир гуруҳи Вата-
нимизнинг юксак орден
ва медаллари, фахрий
унвонлари билан тақ-
дирланган эди. Бу му-
кофотларни яна бир
қўлтуғ байрам — Ўзбе-
кистон Республикаси
Конституцияси кўни
арафасида топшириш
ҳам яхши аъёнага
айланди.

5 декабрь куни Вази-
рлар Маҳкамасида ана шу
мукофотларни топшириш
маросими бўлди. Тан-
танали маросимда Прези-
дент Ислам Каримов нутқ
сўзлади.

— Давлатимиз, жамия-
тимиз ҳаётида қувончли
қўнда фидокорона меҳнат
билан эришган ютуқлар
туғайли юртимиз сало-
ҳиятини, обрўсини, илму
фан ва санъат шўхрати-
ни бутун оламга тараннум
этган сиз каби инсонлар-
ни табриклаш ва сизлар-
га Ватан мукофотларини
топшириш мен учун катта
шараф, — деди Президе-
нт.

Давлат раҳбарларини-
нг асосий бурчи — ода-
мларнинг ташвишлари,
дарду ҳасратларидан ха-
бардор бўлиш, уларнинг
кўнглини кўтардиған,
ишончини мустаҳкам-
лайдиган ечимларни то-
пиш, ҳар бир инсонга
эътибор бериб, унинг
тақдирига шерик бўлиб,
руҳини кўтариб, огирини
енгил қилиш эканлигини
ҳеч қачон унутмаслигимиз
керак.

Йўлбошимиз ана шу
вазифалар билан бир
қаторда, Ўзбекистоннинг
буюк келажагини барпо
этиш учун астойдил бел
боғлаган минг-минглаб
ишчилар, деҳқонлар,
санъаткорлар, шифокорлар,
муаллим муҳандислар
сафидан Ватанимизнинг
юксак мукофоти билан
унвонларига муносиб бўлган-
ларни танилаш, уларнинг
меҳнатини тақдирлаш ҳам
давлат идораларининг
вазифаси эканлигини
таъкидлади.

Ўз ишига, касб-ҳуна-
рига меҳр ва садоқат
қўйиб, кунни кун, тунни
тун демасдан, ҳалол ме-
ҳнати билан юртимизни
обод қилишга ҳисса қў-
шиб, ўз бурчини виждо-
нан адо этган ҳар бир
инсон хизматлари қад-
рлаш давлатимиз ва жа-
мийиятимизнинг шарафли
вазифасидир.

Мухим бир ҳақиқатни
доимо ёдда тутишимиз
даркор, — деди Ислам Ка-
римов. Одамга эътибор,
баҳарлаётган ишга, кас-
бига ҳурмат билдириш
ҳар қандай моддий ёр-
дамдан ҳам устун. Унинг
руҳи кўтарилса, меҳнати
ва маҳоратини жамоа тан
олиб, юксак қадрлаб, из-
зат-эҳтиром билдирилса,
бу инсон ҳар қандай фи-
дояликка тайёр туради.

Ишонаманки, бутунги
тантана, яъни энг муно-
сиб ватандошларимизни
мукофотлар билан тақ-
дирланиши, сиз билан
бир сафда меҳнат қилаёт-
ган жамоа ва оила аъзо-
ларинингизнинг, ёру биро-
дарларинингизнинг, сиздек
бўлишни ҳавас қилган
минглаб шогирдларини-
нгизнинг ҳам ҳақиқий

байрамидир.

Давлатимиз раҳбари
эл-юрт ҳурматиға сазо-
вор бўлган бу инсонлар-
ни халқимиз ва шахсан
ўз номидан самимий му-
борақбод этди.

Президент Ислам Ка-
римов Жиззах тумани
Ҳамроқул Носиров номи
ҳўжалик пахтачилик бри-
гадаси бошлиғи Парда
Зиятов, Андижон вилоя-
ти ҳокими Қобилжон Оби-
дов, Ўзбекистон Ёзувчи-
лари уюмчаси раиси Аб-
дулла Орипов, Олмалик
кон-металлургия комби-
нати «Қолмақир» кони
экскаватор машинисти
Жонсаид Турдиев ва
«Сирдарёжамқурилиш»
қарашли 49-қўйма ме-
ханизациялашган колонна
бригада бошлиғи Анвар
Қурбоновга Ватанимиз-
нинг олий мукофоти —
«Ўзбекистон Қаҳрамони»
унвони гувоҳномасини ва
«Олтин юлдуз» медалла-
рини топширди.

Қишлоқ ҳўжалиғи, са-
ноат, фан, маданият, ма-
ориф, санъат ва спорт
соҳалари намондалари,
хўкукни муҳофиза қилиш
идоралари ходимлари-
дан бир гуруҳи Йўл-
бошимиз қўлидан юксак
мукофотларни олдилар.

Маълумки, Олий Маж-
лиснинг ўнинчи сессия-
сида Ўзбекистон давлат-
чилигини барпо этиш ва
жаҳон ҳамжамиятида
миллатимиз обрўсини
юксалтириш, фуқаролар
тинчлиғи ва умуммиллий
тотувлиқни мустаҳкам-
лаш, маданий қадрият-
ларни асраб қолиш ва
ривожлантириш бораси-
да буюк хизматлари
учун Президент Ислам
Каримовни «Амир Темур»
ордени ва «Ўзбекистон
белгиси» кўкрак нишони
билан тақдирлаш ҳақида
қарор қабул қилинган
эди. Республика Олий
Мажлиси Раиси Э. Хали-
лов йиғилганларнинг ол-
кишлари остида ана шу
мукофотларни давлати-
миз раҳбарига топшир-
ди.

Президент Ислам Ка-
римов билдирилган юк-
сак ишонч учун чин қалб-
дан миннатдорлик бил-
дириб, бутун борлигини
халқимизга, Ватан равна-
қиға, озода ва обод юрт
кеलाжағига бахшида
қилажаклигини изҳор эт-
ди. Сизлар билан бирга
мана шу кўнларга етга-
нимдан, озолиқ ва мус-
тақилликка эришгани-
миздан, Ўзбекистон до-
вруғи бутун дунёга тарал-
ганидан ўзимни бахтиёр
ҳис қиламан. Шу юрт учун
харқанча хизмат қилсак,
ўзимизни бахшида этсак
арзийди, деди йўлбош-
чимиз.

Мукофотланганлар но-
мидан сўзга чиққан Абду-
лқосим Тўйчиев, Абдулла
Орипов, Зийод Есенбоев,
Абдулла Абдуллаев, Бе-
рта Давидова, Лина Черя-
зова, Ойил Ёкубов, Шў-
рат Аббосов, Гулнара
Маҳмадова, Артур Григо-
рян, Мунжобат Йўлчиев,
Восил Қобулов ва бош-
қалар ўз меҳнатлари бун-
дай юқори баҳолангани
учун Президентимизга
миннатдорлик билдириб,
давлатимизнинг келажа-
ғи учун бор куч-ғайратла-
рини аямасликларини
изҳор этдилар.

Президент Ислам Ка-
римов йиғилганларни
яна бир бор табриклаб,
Ватан мукофотлари улар-
нинг ўзига, оилаларига,
дўст-биродарларига ба-
хат-саодат келтиришини
тилади.

(Ў.А.)

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз
ватандошлар, қадри дўст-
лар!

Мана шу фурсатдан
фойдаланиб, барчангизни,
сиз орқали бутун халқимиз-
ни катта байрам — Консти-
туция куни билан самимий
табриклашга ижозат бер-
гайсиз.

Конституциямиз, яъни
ҳаётимизнинг Асосий Қо-
нуни ҳақида, унинг ўрни ва
аҳамияти, маъно-моҳияти
ҳақида кўп гапириш мумкин.
Хусусан:

— Унинг давлатимиз, жа-
мийиятимиз ва ҳар қандай ин-
сон саъй-ҳаракатларини,
уларнинг ўзаро ҳуқуқ ва
мажбуриятларини белгилаб
ва чегаралаб берувчи қомус
сифатидаги жиҳатлари ҳақи-
да;

— Конституциямиз ва
унинг асосида қабул қилин-
ган қонун ва фармонларни-
нг ҳукмронлигини, Консти-
туциямиз олдида барчамиз-
нинг тенглигини ва масъу-
лиятимизни таъминлаш ма-
салалари, бир сўз билан
айтганда, Конституциями-
зининг ўзига хос ва ўзига мос
бошқа хусусиятлари ва аха-
миятлари ҳақида алоҳида
таъриф ва тарғибот қилиш
зарур, албатта.

Лекин, Конституция кўни-
ни нишонлашда ва умуман
Конституциямиз ҳақида га-
пиришда, унинг ўзига ма-
жусамлаштирилган ҳосиятла-
ри ва хусусиятлари тўғри-
сида эмас, балки Консти-
туция талабларининг
амалдаги ҳаётимизда ба-
жарилиши ҳақида кўпроқ
гапириш қўнига бўлади,
деб ўйлайман.

Масалани кенгроқ қўй-
лик.

Келажаги буюк давлат қу-
риш, адолатли фуқаролик
жамияти барпо этиш, ҳаё-
тимизни тараққий тошган
давлат ва халқларнинг ҳаё-
ти даражасига кўтарилиш
каби эзгу ниятларимиз анж
ва равшан бўлса, қўнчили
халқимиз ва жамоатчилиги-
миз шу мақсадларга эри-
шиш учун астойдил бел бо-
лаган бўлса, табиий бир са-
вол туғилади:

Нима учун, нега шу ма-
сад—кеलाжакимизга етиб
бориш йўлини кўрсатиб бе-
радиған, қўнгина махсус ва
атрофчила синовлардан ўт-
ган Конституциямиз ва ун-
инг асосида қабул қилинаёт-
ган қонунларимизни ҳаётга
тадбиқ этиш ўта қийинчилик

билан бормоқда? Бунга нима
сабаб?

Ўйлайманки, бундай изти-
робли саволлар мамлақати-
мизда яшаётган ҳар қайси
виждонли одамни қийнаб тур-
гандир.

Бундай ҳолатнинг сабаб-
лари ҳақида гапирганда, керак
бўлса, ҳисобот берганда, мен
қуйидаги масалаларга эъти-
борингизни жалб қилишни ис-
тардим.

Аввало шунини таъкидлаш
кераки, бундай вазият, фик-
римча, бизнинг яқин ўтмиши-
миз билан, шу даврда шакл-
ланган табиатимиз билан бо-
ғлиқ.

Кечаги ҳаётимизда қонун-
га муносабат қандай эди? Қо-
нунни ўрганиш, қонун усту-
нлиғи, қонунга ҳаммининг бир-
дек итоат қилиши ва ҳуқуқий
тарбия ҳақида умуман гап бор-
миди ўзи?

Оддий фуқаролар Консти-
туция ва қонунларга итоат
қилса-ю, коммунистлар ўз ус-
тавиға амал қилса, бундай ту-
зумда қонун устуворлиғи ва
адолат ҳукмронлиғи бўлиши
мумкинми?

Сир эмаски, аксарият қў-
нчилигимиз мана шу ижтимоий
вазиятда, яъни қонун ва қо-
нун талабларини қамситиш
муҳитида тарбия топганимиз,
суягимиз ана шу шароитда
қотган. Шунинг учун ҳам ак-
сарият кишиларимизнинг қо-
нуннинг ягона устувор ку-
ч эканлини тан олиши ҳам, қо-
нун олдида барчанинг тенг ва
баробар эканлиға қўнқиши
ҳам ниҳоятда қийин кечмоқ-
да. Биз эски тузум асорати
деганда айна шу ҳолатни на-
зарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир
қирраси борки, у ҳақида га-
пирамасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Консти-
туциямизда ўз ечими ва қаро-
рини тошган энг муҳим та-
лаб—инсон ҳуқуқининг дав-
лат ҳуқуқидан устуворли-
ғи таъминли амалдаги қо-
нунчилигимизда, давлат ва
ҳуқуқий-маъмурий идора-
лар фаолиятида ўз тасди-
қи ва ижросини тўлиқ то-
полмапти.

Ўнда қилиб айтганда,
амалиётда биз кўпроқ эси-
ки қайфиятда, яъни кўпроқ
давлат манфаатини кўз-
лаб, давлат манфаатини
қўриқлаб иш тутмоқдамиз.
Инсон манфаатлари ҳуқуқ
таърибамизда энг юксак
ва энг устун қадрият бў-
лишини барчамизнинг оғи-
гимизга синдириш жуда-

жуда оғир кечмоқда.

Ахир, давлат деган тушун-
ча нима учун керак? Аввало-
бор инсон манфаатлари ва ҳу-
қуқлари, унинг тинч-тотув ҳаё-
ти ва келажағини ташкил этиш
ва ҳимоялаш каби улғувор
мақсадларга хизмат қилиш
учун эмасми?

Агарки ижтимоий ва сиё-
сий, керак бўлса, иқтисодий
ҳаётимиз олдимизга қўндаланг
ҳаётимиз мана шу масалани
замон талабларига, демокра-
тик тамойилларга қараб тўғ-
ри ҳал қилмасак, қўндалик
фаолиятимизга тадбиқ этмасак
— барча балиндларовоз га-
пларининг ва шорларнинг
маъноси ўзи йўқолади.

Бундай ҳақиқатни барчамиз
яқини англаб олишимиз дар-
кор. Бошқа иложимиз ва йў-
лимиз йўқ, азиз дўстлар.

Таассуфлар бўлсинки,
баздан қонун қиравучилар-
нинг ўзи, уни ҳимоя қилувчи-
ларнинг ўзи қонунларни на-
зар-писанд қилмасдан, улар-
ни оёқоси қилса, бу албатта
халқнинг, оддий фуқаролар-
нинг ҳақиқий эътирозлари ва
қажар-ғазабларига сабаб бўла-
ди. Яқинда бўлиб ўтган Са-
марқанд ва Навоий вилоятла-
ри халқ депутатлари Кенга-
шларининг навбатдан ташқари
сессияларида муҳокама қи-
линган масалаларни яна бир
бор эсласак, қўн нарса аён
бўлади.

Ҳаётимизда қонун талаб-
лари бузиллиши ҳолатини ву-
жудга келтирувчи бош сабаб
— шунини яна бир бор айтишга
тўғри келади — ижтимоий
ташқилотлар, нодавлат таш-
қилотлар — маҳалла, аёллар,
ёшлар ва бошқа жамоат бир-
лашмаларининг ҳаётимиздаги
таъсири ва ўрни етарли да-
ражада шаклланимагани билан
изоҳлаш мумкин.

Қўн йиллик ҳаёт таъриба-
си шунини кўрсатадики, қонун
устидан қонунчи, маъмурий
идоралар устидан назоратчи,
назоратчи устидан яна назо-
ратчи ўтказиб қўйиш ҳеч қа-
чун самарали натижа бер-
майди.

Қўн бўлса-да айтмоқчи-
ман: бундай таъриба фақат-
гина тўраронлар, порохўрлар
ва таъмагирлар сонини қў-
пайтиради, ҳолос. Бу — ҳаёт-
нинг аччиқ ҳақиқати.

Мен қўн бор айтганман,
ҳозир яна бир қарра тақор-
ламоқчиман: давлат идора-
лари, қонун қиравучилар
ва ижроа ҳокимияти устидан
жамоатчилик назоратини
ўрнатмасдан туриб, мав-

жуд салбий иллатларни йўқ
қилиб бўлмайди.

Бундай назоратни ташқил
қилишда, жамоатчилик ва иж-
тимоий ташқилотлар билан
бирга, аввало, фуқаролар
ва жамоатчиликнинг эркин
фикрини ифода этувчи омма-
вий ахборот воситалари олиб
бориши, ҳақиқат ва адолат
учун курашга қаттиқ бел бо-
лаши лозим.

Яна бир муҳим ва ҳал қи-
лувчи муаммо ҳақида кўп га-
пирамиз, лекин бу масалада
амалий силжишлар жуда су-
стаклиш билан бормоқда.

Одамларимизда ҳуқуқий
онг, ҳуқуқий маданиятнинг
етарли даражада эмаслиги
жамиятда адолат муносабатла-
рини бузилишига олиб кел-
моқда. Очигини айтганда, ҳар
биримиз ҳам Конституция ва
қонунларимиз берган ҳақ-ҳу-
қуқларимизни яқини бил-
маймиз ва уни ҳимоя қила ол-
маймиз.

Мана шундай ҳолатда, ав-
вало, тараққий тошган давлат-
лар таърибамизга назар таш-
ласак — уларда одамлар ад-
вокат ва адвокатурга идораси-
га кўпроқ мурожаат қилади.

Яқинда, Олий Мажлиснинг
бўлғуси сессиясида, Прези-
дент девон ташаббуси би-
лан киритилган адвокатлари-
ни жамиятимиздаги ўрни ва
мавқеини мустаҳкамлаш ҳақи-
даги қонун лойиҳаси иккинчи
қўншда қўнби қиқилди.
Ўйлайманки, бу ҳам одамлар-
нинг ҳуқуқий сависини оши-
ришда муҳим қадам бўлиши
даркор. Токи, одамлар фа-
қатгина судга иши тушган-
да эмас, балки қўндалик
ҳаётда ҳам адвокатлар
хизматидан, уларнинг мас-
лаҳлари ва тавсияларидан
фойдалана оладиган бўл-
синлар.

Бир сўз билан айтганда,
Конституциямиз биз учун на-
зарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч
ва мажбуриятларимиз маж-
муасига эмас. Балки у ҳаё-
тимизни фаровон этиш, уни
чинакам қонуний асосда қу-
риш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни
таъминлаш, жамиятда қонун
ва адолат устуворлигини ўр-
натилиши ҳаётбахш манбаи-
дир.

Бу олижаноб мақсадларга
эришиш учун барчамиз, ав-
вало, Конституциямиз ва қо-
нунларимизнинг тўб моҳия-
тини англаб етишимиз ва улар-
ни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида
биргаликда қатъият билан
курашмоғимиз лозим.

Яна ва яна қатордан айт-

моқчиман: адолат ва қонун
устуворлиғи учун, унинг
талабларини ҳаётимизга
жорий этиш учун биргалик-
да курашмоғимиз, фи-
дой бўлмоғимиз керак.
Қонун, яна бир бор қонун
— каттаю кичик, жинсидан,
миллати, этники ва ман-
сабидан қатъий назар, —
барчамиз учун устувор бўл-
моғи даркор

Мухтарам дўстлар!
Инсон ва жамият, шахс ва
оиланинг ўзаро муносабатла-
ри, уларни табиий равишда
уйғунлаштириш асосий қому-
симиз пойдеворини ташқил
этади.

Шу боис ҳам бу масалалар
давлатимиз сиёсатининг до-
имий диққат-эътиборида бўлиб
келмоқда. Мамлакатимизда
1997 йилнинг Инсон ман-
фаатлари йили, ўтиб бораёт-
ган 1998 йилнинг эса Оила
йили деб эълон этилгани ва
шу мақсадда махсус ҳукумат
дастурлари қабул қилингани
катта маънога эга.

Ҳадемай бизга қўндан-қўн
шодлик ва қувончлар, шу би-
лан бирга турли хил ташвиш
ва муаммолар олиб келган
1998 йил пўнғига етди.
Яъни, Оила йили ҳам яқунла-
нади. Ҳўш, ўтган давр мо-
байнида ҳукумат дастурини
бажариш юзасидан нима иш-
лар қилинди?

... Акбар аканинг одати шунақа: кечаси бир ўзи ётишни ёқтиради. Айниқса, рафиқаси оламдан ўтгандан кейин мана шундай турмуш тарзи унинг доимий ҳамроҳига айланди. Лекин фарзандлари унинг ёлғизлигини асло билдиришмас, ўғиллари, келинлари доимо унинг атрофида парвона бўлишарди...

Одам ўз бошига қандай қисматлар тушишини асло билмайди. Акбар ака ҳаёти ҳам бунга мисол бўла олади. Кунларнинг бирида фарзандлари унинг ётоғидан ҳадеганда чиқармаганидан ташвишланиб, Акбар аканинг ётган қаравоти ёнига бориб даҳшатдан қотиб қолишди. Акбар ака фарзандларининг овозидан уйғонмади, унинг бир қўли, бир оёғи ҳолсизланиб, шалвираб ётарди. Зудлик билан чакирилган «Тез ёрдам» машинасининг шифокори Акбар аканинг мия инсультидек оғир ҳасталикка учраганини айтиб,

«Яхшии тезлик билан профессор Наби Мажидов хузурига олиб бориңлар», деб маслаҳат берди. «Тез ёрдам» шифокорининг ана шу бир оғиз сўзида нақадар катта маъно ётганлигини Акбар аканинг ўғиллари кейинроқ тушунишди. Оталарининг бундан буюнги ҳаёт кеңиришидан бутун умидларини узган фарзандлар қалбида умид учқунлари пайдо бўлди. Дунёга машҳур ўзбек олимни, аjoyиб ва фидокор ҳамда ғамхўр инсон ва мураббий, профессор Наби Мажидов маҳорати ва меҳри туйғайли Акбар ака оёққа турди...

Профессор Наби Мажидовнинг умр зарварақларини варакласангиз, шифокорлик фаолияти давомда минг-минглаб одамларнинг дардига амал ҳам бўлганлигининг, уларни ўлим исканжасидан қутқариб олиб қолган

лигининг ёрқин шохиди бўласиз. Юртимизда профессор Наби Мажидовнинг номини эшитмаган одам камдан-кам топилса керак. Нафақат юртимизда, балки бир қанча хорижий мамлакатларда ҳам



Фаннимиз Фидойилари

УМР ЗАРВАРАҚЛАРИ

таниқли ўзбек олимнинг номи маълум ва машҳурдир. Шу боисдан унинг бир қанча чет давлатлари академиясига академик этиб сайланганига профессор Наби Мажидовнинг ишлари, инсон саломатлигини сақлаш борасидаги сай-ҳаракатлари юксак қадр топиб, эътироф этилаётганлигидан ёрқин бир нишондир.


Наби Мажидов юзлаб илмий ишларнинг, кўндал-кўп монографиялар ва дарсликларнинг муаллифидир. Унинг илмий ишлари ва дарсликларини келажакда шифокор бўламан деган орзуда тиббиёт олий ўқув юртиларига кирган минг-минглаб талабалар учун аjoyиб қўлланмадир.

...Ушбу сатрларнинг муаллифи ҳам бир марта профессор Наби Мажидовнинг қабулига кирганлардан. Ўз одати бўйича у жуда босқичлик билан, меҳрибон кўзларини каминига қаратиб сўзларини диққат-эътибор билан тинглади. Кейин ҳасталикни

келтириб чиқарган сабабларни суриштириб ва керакли муолажаларни ёзиб берди. Қабулига кирган беморни ўрнидан туриб, эҳтиром билан кузатиб қўйдиган шифокор камдан-кам топилса керак. Бу борада, яъни камтарликда ҳам намуна бўла оладиган Наби Мажидов каминани хонасининг эшиги олдиғача кузатиб чиққандан сўнг ҳасталик ҳам шу онда унутилгандек бўлди...

Наби Мажидовнинг ана бир аjoyиб ҳислати бор. Уни шахримизнинг турли бурчакларида, маҳалларда бўлаётган тўй ва маросимларда ҳам тез-тез кўриб турамыз. Демак, ҳурмат ва иззат қилиб, бирон-бир тадбирга айтган одамниқига бориб, унинг қувончидан севиниб, дардли кунларида эса бундай инсонлар кўнглини топаб-лишдек аjoyиб фазилат ҳам Наби Мажидовга хос бўлган фазилатдир.

Солиқ ЁКУБОВ.



Хаёллар оғушида.

Равил Альбеков олган сурат.

Тадбирлар

ХАСТАЛИКДАН ОҒОҲЛИК

Статистик маълумотларга кўра бугунги кунда жаҳонда ҳар дақиқада беш киши ОИТС ҳасталигига чалинмоқда. Уларнинг 60 фоизи ёшлардир.

Бу гаплар Мирзо Улуғбек туманидаги 18-мактабда тадбирда айтилди.

Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бoshқармаси ташаббуси билан уюштирилган қизиқарли учрашувда ўқувчилар ушбу аср ҳасталигидан оғоҳ этишга бағишланган

ўзлари чиқарган деворий газеталарни намойиш қилдилар, синфлараро викторина ўтказдилар.

«Ёшларнинг ОИТСга қарши умумжаҳон кампаниясидаги иштироки — ўзгаришлар манбаи» номли бу беллашув ғолиблигига мукофотлар тақдим этилди.

Мурод РАҲИМОВ.

«ОДАМЛАР ВА УРУШ»

ЭРТАГА

«Илҳом» театри биносида Халқаро Қизил Хоч Кўмитасининг минтакавий ваколатхонаси томонидан уюштирилаётган «Одамлар ва уруш» фотосуратлар кўргазмаси очилади



«Одамлар ва уруш» фотосуратлар кўргазмаси Халқаро Қизил Хоч Кўмитаси архивидан олинган 100дан ортиқ суратлардан ташкил топган коллекциядир. Кўргазмага келганлар ўз кўзлари билан қуролли моҳароларнинг 130 йиллик тарихини кўрадилар. Бир йилдирки, бу кўргазма Россия Федерацияси, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва Украинанинг кўпгина шаҳарларини айланиб чиқди ва ҳамма ерда ўтмишдан фарёд каби янграган бир нидо уйғотди. Уруш қатнашчиларидан бири жуда тўғри таъкидлаганидек, минглаб одамлар уруш ҳақидаги расмларни, қурбон бўлган кишиларнинг аламли юзларини, тўлиб-тошиб кетган даҳшатни кўрдилар.

Кўргазмани томоша қилган ана бир йигит ўз таассуротларини шундай сўзлар билан ёзиб қолдирган: «Фотосуратлар моҳароларда қурбон бўлганларнинг изтиробларини англашга ёрдам беради, улар инсоният келажаги ҳақида ўйлашга, тинчлик учун курашиш ҳамда меҳрибонлик ва ҳамдардлик ғояларини илгари суриш зарурлиги тўғрисида фикрлашга мажбур қилиди».

Ҳа, бир асрдан ортиқ тарихий воқеалар ва одамлар изтироблари акс эттирилган фотосуратлар авлодлар ўртасидаги узоқликни ва маданий тўсиқларни йўқотишга ёрдам беради. Бинобарин, турли шаҳарларда намоиш этиб келинаётган ва эртага тошкентликлар ва шахримиз меҳмонлари диққатига ҳавола этиладиган «Одамлар ва уруш» сайёр кўргазмаси ҳар қандай одам қалбида ўчмас таассурот қолдиради. Ушбу фотосуратлар кўргазмаси 20 декабрдан давом этади.

(Ўз муҳбиримиз).



Кичкинтой усталар.

Кексаларимиз дуога қўл очар эканлар, кўпинча «Нондек азиз, сувдек сероб бўлинглар» деб ният билдирадиганлар. Сувни бежиз «оби-хаёт» деб атамаймиз. Чиндан ҳам сув тирикчилигимиз манбаи, ўрнини ҳеч нарса билан ўлдириб бўлмайдиган қимматбаҳо неъматдир. Пойтахтимиз аҳолисини ана шу бебаҳо неъмат — ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашда шахримизда фаолият кўрсатаётган «Сувсоз» трести ходимларининг ҳиссаси салмоқлидир. Албатта, Шахримиздаги барча қорхона, ташкилот, муассаса ҳамда аҳолининг сувга бўлган талабини тўла қондириш ниятида кечаю кундуз меҳнат қилаётган трест ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан адо этар эканлар, бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган айрим муаммоларни ҳам оқийлик билан ечимини топишга интилишмоқда. Ана шундай ечимталаб муаммолар, амалга оширилаётган ишлар, мақсад ва вазифалар ҳақида трест бошқарувчиси Зокир Солихўжаев куйидагиларни гапириб берди:

— Халқимизда «Ҳисобли дўст айрилмас» деган жуда доно нақл бор. Бу жуда тоғиб айтилган ибратли гап эканлигини бугунги бозор иқтисодиёти ақол кўрсатиб турибди. Гапимни ҳисобдан бошлашимизнинг боиси бор, албатта. Чунки айни кунларда шахримиздаги жуда кўплаб қорхоналарга хизмат кўрсатадиган унинг аъзагига сув ҳақини ўз вақтида ундириб ололмай сарсон бўлмоқдамиз. Айрим қорхона ва ташкилот раҳбарларининг эътиборсизлиги, ўз вақтида ҳаракат қилмаганиликлари туйғайли уларнинг трестимиз хизматидан қарзлари шу кунгача 442 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Аниқ рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, Чкалов номи «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссасдорлик жамияти 202 миллион сўм, «Ўзқишлоқ-маш» концерни 173,8 миллион сўм миқдорда қарзлари бор. Жуда кўплаб қорхоналарнинг дебиторлик қарзлари катта миқдорни ташкил этади, лекин улар учун ушшани ҳаёларига ҳам келтирмайдилар. Шу боис ҳам биз уларни ҳўжалик судига беришга мажбур бўлдик. Очик турдаги «Эркин нур» ҳиссасдорлик жамияти кўрсатган хизматимиз аъзагига 1.158,8 минг сўм, «Кундуз» ҳиссасдорлик жамияти 476,9 минг сўм, «Кийим» ҳиссасдорлик жамияти 1.351,7 минг сўм, «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 6 миллион сўмликдан ортиқроқ ҳақ тўламаганлари учун ҳўжалик судига таъширдик. Ҳўжалик суди бу қарзларни ундириб беришга бизга яқиндан кўмак бермоқда. Лекин бу

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

нарсга жуда секинлик билан амалга оширилмоқда. Чунки жуда кўплаб қорхоналар ҳозирда ишламаяпти, уларнинг мол-мулки эса сотилгач, қарзларини ўзишлари мумкин. Ҳўжалик суди қароридан сўнг «Янгитош-консерва» ҳиссасдорлик жамияти, 4487,3 минг сўм қарзларини аста-секин уза бошлади, «Ўзқурилиш-механизация» бирлашмасининг «1-Тошкент таъриба-синов механика заводи» ҳиссасдорлик жамияти 13.844 минг сўм қарзини ўз вақтида тўламагани учун сув беришни тўхтатиб қўйдик. Жуда кўпчилик қорхоналарга бу охириги чорамизни кўришга мажбур бўлмоқдамиз. Бундай қорхоналар сони 240 тани ташкил этиши ва уларнинг турли хил баҳоналари рўқча қилишлари гоёат ажабланарли бир ҳолдир.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳўжалик ҳисобидидаги ташкилотлар ва қорхоналар 1 кубометр сув учун 9,86 сўм, канализация учун 6,50 сўм тўлайдилар. Бюджет ҳисобидидаги ташкилотлар эса 1 кубометр сув ва канализация учун 5,83 сўм, хонадонларга сув ўлчаминг асослари ўрнатилган уй эгалари эса 1,5 сўмдан ҳақ тўлайдилар. Ваҳоланки, бу сув тайнраҳининг ярмини ташкил этади ҳолос. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2002 йилгача бутун шахримиз хонадонларига сув ўлчамчилари ўрнатиб бўлингач, барча

ишлатган суви учун тўла ҳақ тўлашга ўтади. Бунинг одамлар тўғри тушунишлари лозим. Ана шу усқуналар ўрнатилгач, ҳам сувимиз, ҳам маблагимиз иқтисод бўлиши турган гап. Фақат ишлатилгани учунгина ҳақ тўланади.

— Пойтахтимизнинг айрим маҳаллалари аҳолисиндан: айниқса, ёз ойларида сув таъминоти яхши эмаслиги ҳақида шикоятлар тушади. Бунинг боиси нимада? Ана шундай камчиликларни бартараф этиш йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Трестимизнинг 4200 нафар ходими пойтахтимиз қорхона ва ташкилотларини, аҳолини сув билан таъминлаш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир туманда бўлимларимиз му-

Аччиқ, аммо оччиқ гап

ваффақият билан ишламоқда. Сув тайёрлаб берадиган заводларимиз кечаю кундуз бир маромда фаолият кўрсатмоқда. Трестимиздаги усқуналар бир кунда 2 миллион 350 минг кубометр сув ишлаб чиқариш қувватига эга. Ёз ойларида эса бу кўрсаткич 2 миллион 700 минг кубометрга ҳам етказилди. Шикоятларга асосий сабаб шуки, жуда кўпчилик аҳоли томоркаларини суғоришда ҳам, машиналарни ювишда ҳам фақат ичимлик сувида фойдаланади. Илгарилари ариқларда оқиб турган сувлардан фойдаланиларди. Ҳозир эса ариқларда қиш туғул, ёзда ҳам сув оқмайди. Бу ҳақда ободонлаштириш бошқармаси ходимлари яхшироқ ўйлаб қўрсалар, яна аввалгидек ариқларимизда зилол сувлар оқса фойдадан холи бўлмасди. Энди кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига сув этиб бормаслиги ҳақида гапирадиган бўлсак, эски қурилган уйларда қувурларнинг кўпчилиги эскирган, қуйқа босган, уларни алмаштириш зарур. Бунинг учун туманлардаги ижара қорхоналари қайғуришлари лозим.

«Сув келтирган — азиз», дейди халқимиз. Шу боис ҳам жорий йилда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида Акмал Икромов туманининг Зиё Саид қўчасида, Адабиёт институти

ёнида, Юнусобод туманидаги 5-болалар юкумли касалликлари шифохонаси ёнида, Шайхонтохур туманига қарашли «Кўкча» даҳасида, Собир Раҳимов туманида, Шумиллов насос станциялари қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, Чилонзор туманининг 1,2,3,4,5,6-мавзёларида уйларни сув билан таъминлашни тўддан яхшилаш мақсадида «Чилонзор» насос станциясининг 1-навбати иш бошлади, 2-навбати қурилиши эса давом этмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда яшовчилар сув билан тўла таъминланган, муаммолар йўқ.

Шу ишлар баробарида қишга ҳам пухта ҳозирлик кўриб қўйдик. Бу йил 13,8 километр сув ҳамда 22,8 километр канализация тармоқлари янгилари билан алмаштирилди, мавжуд 107 насоснинг 97таси таъмирланди. Шунингдек, айни кунларда «Ўрикзор» даҳасидаги хусусий уйларга сув ўлчамчилари ўрнатишни амалга оширмоқдамиз. Албатта, ҳозирда бу усқуналарни четдан сотиб олмақдамиз. Яқин кунларда эса пойтахтимиздаги «Оник» ҳиссасдорлик жамиятида сув ўлчамчи асбобини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Хуллас, ҳар бир хонадонда бу усқуна ишлаб тура, бу ҳам бизга, ҳам истеъмолчиларга фойда бўлади. Шу билан бирга сув исрофгарчилигининг олдини олади. Ҳамёнидан пул кетган одам илоҳи борича иқтисод қилишга ҳаракат қилади. Бекорга сувини оқизиб қўймайди. Бу эса барча учун фойдали бўлиб, ҳар ким ишлатганига қараб ҳақ тўлайди. Янги қад ростлаётган турар жой биноларида бу ўз аксини топмоқда. Келгуси йилда эса кўп қаватли турар жой биноларига, албатта сув ўлчамчи асбоб-усқуналар ўрнатилади ва хонадон эгалари шу асосда ҳақ тўлайдилар.

Албатта, тирикчилигимиз манбаларидан саналган сувини тежашимиз, ишлатилгани учун эса ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишимиз фақат ўзимизга фойда. Шунинг учун таъминлашимиз керакки, сувини ҳаммаша эъзозлаш ота-бобларимиздан қолган аср муқаддас одатларимиздан биридир. Ходимларимиз эса пойтахтликларга «об-хаёт» етказиб бериш йўлида меҳнатларини асло аямайдилар.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.

Жалолиддин Мангубердиннинг 800
йиллиги олдидан

(Тарихий романдан парча)

«...Бу яра бир кун сиртга тепади,
Жаҳонни ўрташга бир оҳ этади...»

(Саъдий Шерозий, 1184 — 1292 йил).

Ҳабибулла Зайниддин Марказий Осиё халқларининг Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқинчилигига қарши туриб, бундан қарийб саккиз юз йиллар муқаддам олиб борган тарихий курашига етакчилик қилган буюк ҳарбий саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳақида кўп йиллардан бундан изланишлар олиб боради. Ана шу изланишлар маҳсули сифатида 1979 йили Гафур Ғулом нашриётида унинг «Асрлар садоси» китоби чоп этилди. 1993 йили «Нур» нашриётида Жалолиддин Мангуберди» номли тарихий қиссаси чоп этилиб, ўқувчиларга тақдим қилинди. Шунингдек, «Шарқ юлдузи» журналарида ҳам унинг тарихий ҳикояси эълон қилинди.

Яқинда муаллиф улғу саркарда ҳақида ҳикоя қилувчи «Жалолиддин Мангуберди» тарихий романини ёзиб тугаллади. Куйида ана шу романдан бир парча оқшомхонлар диққатига ҳавола этилмоқда.

Сўнгги Хоразмшоҳ ўзини дарёга ташлаб, Хинд қирғоғи томон сузиб кетгандан кейин ҳам ловулаган жангнинг алангаси сўнмаган эди. Дарё ёнбағрига яқин ердаги қарағай дарактлари зич ўсган баланд тепаликнинг яйдок чўққисида жанг давом этарди. Тепаликнинг кураш бораётган фронтлари Хайбар қўргонидек мустаҳкам хандақлар билан ўраб олинган, ўқ узиш учун ҳар ер, ҳар ерларда шинаклар қолдирилган эди. Кун пешиндан оққан эди. Мўғул ҳоқони ҳарбий қўмондонларга кечиктириб бўлмайдиган айрим зарур кўрсатма ва фармойишлар берган ҳолда оғир жанглар туйғайли талай йўқотишлардан гоёат аламзада ҳамда кўзларига қон тўлган бир алфозда қароргоҳга қайтди. У обдон ҳориганидан танҳо қалин паркут тўшақ ва унга устмал қўйилган тилам нуҳсали йўл-йўл момиқ болишга ҳали яқиндагина кечган мислсиз жанг манзаралари кўз ўнгидан кетмаган ҳолда ўйчан бошмини қўйиб чўзилди.

Ташқарида ҳаво ўша-ўша юз бераётган воқеалардан гўё ўпкалаётгандай қовоқ очмас, совуқ шамол ҳужумрон эди. Чингизхоннинг улкан қодирига қираверишдаги тор йўлнинг икки томонида иккита катта гулхан ўчмай аланга олиб ёнardi. Гулхан ёнида мўғул шомонлари ҳоқонни инси-жинсу ва бошқа ёвуз ниятлардан сақлаш учун, гоҳ худди пашшанинг гингиллашига, гоҳ йиғига ўхшаб қаттиқ овозда ўз дуоларини ўқийшарди. Баъзи-баъзида оловга аллақандай қуқунга ўхшаб нарса ташлашар, бундан бурқсиб ҳосил бўлган қўланса хидли тутунни узун ёғоч дастали елпигичлар билан атрофга елпиб, бу ерга яқинлашишга журъат этган кўзга қўринмас ёвуз кучларни ўзларича ҳайдаб юборишгандай бўлишарди. Улар яна жангда қурбон бўлган йигитлари руҳига ҳам мотам тутиб, тинмай кўз ёшларини тўқа қўққади тангриларга бўлимиш Сувладан уларга жаннатдан жой ато қилишларини илтижо этиб ўтиришарди.

Орадан кўп вақт ўтмай қароргоҳга шошилиб келган чопар таъзим бажо келтириб, овозини кўтариб қолди:

— Улуғ олампаҳо, ноҳуш хабар...

Кўзи эндиғина илинар-илинмас ётган ҳоқон бу сўзни эшитиб ғазабли гўнгиллади:

— Падарингиз лаънат, бадбахт! Жуда жонга теғди-да, нукул ноҳуш хабар келтирдурди!.. У устига тортиб қўйилган пўстинини бир четга улоқтириб ташлаб, бошини оғир кўтариб ўтирди.

— Тезроқ айт, яна қандай ноҳуш хабар келтирмушсен? — Айт! — ўшқирди ҳали ҳам ғазаб илқидан тушмаган Чингизхон.

— Яна муҳораба бошланмуш...

— Ҳоқон бу хабардан хангу-манг бўлди. Пешонаси тиришиб, ғазаби баттар қайнаб-тошган ҳолда: — Яна қандай муҳораба ҳаққинда сўзлайдурсен гўмроҳ? — дея, оромини бузган чопарга қаҳрли нигоҳ ташлаган кўйи захрини сочди.

Чингизхоннинг ғазабига гирифторм бўлишдан даҳшатли қўрқувга тушган, оёқ-қўлларида деярли мадор ҳам қолмаган чопар каловланиб, базўр тилга кирди:

— Гу-гуз-зарнинг фарб тарафиндаги яйдок бир тепалик устинда жойлашган Хоразмшоҳ Жалолиддин боргоҳи атрофида аллақандай сартлар боҳодир лашкарларингизга бас келмоқга ҳезланодурлар, улуғ олампаҳо.

— Лаънати, бул шўртумшук, қайсар сартвулликлар ўлимдин ҳам тап тортмайдулар, иблислар! — деди қовоғини баттар уйиб, Мўғул ҳоқони шу ондаёқ икки марта қарс уришига таъзим билан эшик оғаси кўринди.

— Амрингизга мунтазиммен, улуғ олампаҳо.

— Дарҳол менинг хузуригма зудлук бирлан баҳодир Бурундой нўён етуб келсун! — деди, асаби таранглашгандан-таранглашган Чингизхон.

— Бош устига, улуғ олампаҳо, У, шундай дея икки қўлини кўксига қўйганча энгашган бўйи орти билан юриб яна ўша боргоҳ эшигидан чиқиб кетди. Унинг кетидан ҳужумдорнинг ишораси билан чопар ҳам кўздан ғойиб бўлди.

Ҳоқон шу ўтирган алфозда қимир этмай яна хаёл оғушига чўмди. Сўнг, бироз ўтиб забонга қираркан, оҳиста ўзига ўзи деди:

— Кўп жангу жадалларни кўрдим-у аммо баччағар бул Жалолиддин бирлан бўлган ва дағи ҳеч қачон эсдан чиқмайдурган бундайлан олишувни асло кўрмаган эрдим. Ҳаҳ, ярамас! Бул тўқнашувни менга гоёат қимматга тушириб, юз минг чоғлиқ одамларимнинг бошини еди-я! Бул дағи етмагондек қон тўкилишда давом этмуш эрмуш.

Орадан дақиқалар ўтиб, боргоҳ эшигидан белига нақшкор кумуш қинли қилич осган, оёғига нағал урилган баланд пошнали, қўнжи узун сариқ этик кийган новча, барзанги Бурундой нўён энгилбоқ кирди ва кайфияти бузук турган ҳоқонга таъзим бажо келтирди. Чингизхон қовоқ очмай вазиятни ундан тўлиқ ўққач, ўзининг орта суриб бўлмайдиган янги фармойишини берди.

Қиш қилиғинини қилиб ўз ҳукмининг қатъий юргизар, қуруқ совуқ тобора авж олиб, қучайгандан қучайиб боради. Мўғул чериклари бу ерларда қутилмаганда икки томонлама, ҳам совуқнинг зўридан, ҳам қасоскорларнинг ўқидан аёвсиз ўлим топар эдилар.

Асли қадимий тош бинолар харобаси бўлган бу тепалик устида Жалолиддин Мангубердиннинг тарк этилган қодир атрофида ҳамон шиддатли ур-йўқит боради. Қарийб етти юзга яқин хоразмлик жасур йигитлар душманга таслим бўлишни ҳаёлларига ҳам

(Давоми 4-бетда).



(Давоми. Боши 3-бетда).

келтирмай ажал билан юзма-юз турардилар. Улар камонларидан бехато мўлжалга олишар, тепаликка чиқиб улгурганларга қарши найза, гурзи, ойболта ва шамширларини маҳорат билан ишга солишарди. Гоҳ-гоҳида қора мой суртилган улкан, оғир ҳодаларни, тўнкаларни ёндиришиб, тепаликка томон жон ҳолатда ўрмалаб чиқиб келаётган душманга қарата думалатиб, ўт каби чақнаган, ҳали ҳам ҳисобда талайгина бўлган мўл шерпайкаларининг кунини кўрсатишарди. Қасоскорларнинг пўлат совут, дубулгалари баъзида қора булут кўксини ёриб чиққан куёш тигида кўм-кўк шуъладай товланар, ҳоконнинг қаҳридан кўрққан сон-саноксиз мўғул чериклари бесамар бераётган улкан талафотларга қарамай, тепаликка бало-қазодек ўрмалаб чиқиб келишда давом этардилар. Бироқ, емирилмас, мустаҳкам қоядек девор бўлиб елкама-елка саф тортган хоразмлик доворак ботирлар қадиларини заррача букмас, турган жойларидан бир қадам ҳам ортга чекинмай, бир-бирларига далда берганлари ҳолда ёвнинг ўша-ўша додини беришда, тутдай тўкишда сабот-матонат билан гайрат этишарди.

Бир пайт Чингизхоннинг ўзи жанг бораётган ерга етиб келди. Шундан кейин жанг янада кучайиб кетди.

Бу курашда қасоскорларга она Ватан меҳри, улуг аждодлар жасорати ҳар дамда куч, илҳом бағишларди. Бир мuddат жанг тиниб, пастда мўғуллар қайтадан кучли саф торта бошладилар. Орадан кўп ўтмай икки мўғул суворийси тепалик ёнига от елдириб келди. Уларнинг бири юқориға қараб:

— Ҳой сартлар! Бехуда қаршилик кўрсатишни бас қилиб, таслим бўлингизлар. Биласизлар, биз сизларни барибир янчиб ташлаймиз! Ундан кўра яхшиликка таслим бўлсаларинг, улуг ҳокон ҳазрати олийлари сенларнинг гуноҳларингизни ўтиб, афу этадурлар ва истагон ерларингизга қараб кетадурсенлар. Акс ҳолда шафқат бўлмағай, битта қўймай қириб ташлагаймиз, — деб қичқирди.

Юқоридан шундай жавоб эшитилди:

— Эй, сенлар, саҳройи маълун қашқирлар! Биз ўлимдан кўрқмайдурмиз! Шунинг яхши билиб қўйларингиз, сен қонхўр босқинчиларнинг шафқатларингизга биз эрмасмиз! Чақакларингизга зўр бериб, ўшал қора тупроқ тўлғур ифлос оғзиларингизни кўпиртирмай изларингизга қайтларинг, ўласалар. Даши бориб айтларинг, доғули бадбуруш қари гўдакхўр, ҳоконларингизга, сенларнинг ортларингизга яширинмай ўзи бунда келсун, сенларга қўшув онинг ҳам қонхўр кекирдиган суғуриб олғаймиз. Йўқолларинг бул ердин! Яшасун улуг баҳодиримиз Жалолитдин! Ватан ва озодлик учун жонимиз фидо!..

Бу, ёшлигда талай ёвларнинг додини берган нечалик Эрнбёзхожи отанинг тўнғич ўғли, ўзининг мислсиз ботирликлари билан донг чиқарган баҳодир юзбوشي Қиличбийнинг овози эди.

Яна жанг бошланди. Мўғул навкарлари хоразмлик азамат, сарлочин мерган йигитлар ўқи ва яроғларидан ер тишлаб, аввалгидек тепалик ёнбарини мурдаларга тўлдирардилар.

— Бўш келманг, азаматлар!.. Бардам бўлингиз! — деб бир-бирларига ҳамда, ҳамнафас камарбаста бўлардилар фидойилар. — Яшасун шерорак Жалолитдин! Халқ ва Ватан учун жонимиз фидо! Қулликдан ўлим аёло! Ботирларга шон-шарафлар! Олинг, олдирмангиз биродарлар. Ёвуз босқинчиларга ўлим! Ўр маълунларни, ур, у-ур!..

— Вой-бўй! буларни не қилса бўлур ўзи-а? — деб бақирар, аламли нидо қиларди мўғуллар.

Жангги бевосита ўзи кузатиб турган мўғул ҳоконининг қаҳри охиби, баайни зимистон бўлгандай, кўз олди бир зумга қоронғулашди. Совуқ юзи титраб, беихтиёр инграб юборди.

— Тўхучар нўён қаерда, қани у? — деди у ғазаб билан.

— Мен шу ерданман, соҳибқирон ҳазратлари! — дея, ҳокон қаршида тиз чўкди новча қотмадан келган нўён.

— Сен не қилуб турибсен, тур ўрнингдин, худлик билан ул саркаш сартовулларга қарши палаҳмонлар ишга солинсун! — Чингизхоннинг шу онда асаб торлари ўта таранглашгандан-таранглашиб вужуди қалт-қалт титтарди. У қонга тўлган сарғиш кўзларидан ўт чақнаган ҳолда мушт бўлиб туғулган ўнг қўлини бир ёнга жажд билан силтади.

— Амрингиз бажо келтирилгай, соҳибқирон ҳазратлари!

Зум ўтмай мўғул қарнайлари янграб, тепалик атрофида жон-жаҳдлари билан олишайётган мўғул лашкарлари жангги тўхтатиб тезликда ортларига қайтдилар. Орадан кўп ўтмай энди тепаликка қараб улкан-улкан тошлар гурсиллаб ёғила бошлади. Бироқ бу ҳаракатлар ҳам қутилган натижа бермади. Палаҳмонлардан ҳар қанча отилаётган залворли тошлар харчанд уринишларига қарамай, мўлжалдаги тепалик устига сира етиб боролмасди. Етиб борганлари ҳам мустаҳкам амалга оширилган хандақларга заррача шикаст етказолмасди. Маъкур тадбирдан иш чиқмаганини кўрган Чингизхоннинг ҳуноби янада ошди. У ўша ерда ҳозир туришган хитой усталарига захрини сочиб, нолиди ва уларга, эндиликда жуда олиста иргатадиган қудратли палаҳмонлар ясашни буюрди. Палаҳмонлар соз ҳамда гоят қисқа муддатда амалга оширилиши керак эди. Акс ҳолда усталарнинг бошлари кетахажлиги қатъий ўқтирилганди. Орадан бир неча кун ўтиб, ҳоконнинг қаҳридан кўрққан хитой усталари шундай янги палаҳмонларни вужудга келтирдилар. Чингизхон бу янги палаҳмонларни қасоскорларга қарши синовга қўйди. Бу сафар залворли тош ва катта-катта оғир гўлалар мўлжалланган жойларга етиб борадиган бўлди. Бу ҳол бирмунча муддат давом этгандан сўнг, Чингизхон ўзининг навбатдаги фармойишини берди:

— Тепаликдаги сартларнинг ўлмай қолгонлари тириклайин қўлга олинсун!

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИН.

(Давоми келгуси сонда).



Билимга чанқоқ ёшлар мутулаа пайтида.

Рустам Шарипов олган сурат.

Йўлбошчимиз Исом Кари-мовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши-нинг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида иктисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамият-да қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароитини яратиш каби саяҳат-ларимизнинг мазмун-моҳияти бўлган долзарб масала-ларга жиддий эътибор қаратилди. Албатта бу муаммолар-нинг ҳар бири ўзига хос кенг қамровли бўлиб, барчамиздан тегаран мушоҳада юрити-шимизни талаб этади.

Ушанда Президентимиз нафақат ўзининг буюк тарихи ва боқий ёдгорликлари, балки, бугунги салохияти ва маданияти, меҳнаткаш халқи билан дунёга машҳур бўлган Самарқанд ҳаётида кейинги йилларда рўй бераётган номақбул қилимлар, баъзи ютуқлардан боши айланиб, оёғи ердан узилиб қолган раҳбарларнинг ўз бурчини унутуши натижасида вилоятда жиноятчилик турларининг охиби бораётганлиги ҳақида қўниб гапирар туриб: «Хукуқ посбонларининг ўзи жиноятчи бўлса, халқ дарадини кимга айтсин? Халққатни, адолатни қаердан изласин?» деган сўзлари ҳеч кимни лоқайд қолдирмади.

Мана шу жумлаларни қайта-қайта ўқир эканман бундан бир неча йил муқаддам Тошкент шаҳар судида қўрилган ва ўзим шохиди бўлган бир суд жараёнини беихтиёр эсламан. Афсуски, бу воқеанинг бир учи Самарқандга бориб тақалади.

Термиз шаҳар ахлоқий ҳуқуқ-бузарликка қарши бўлимаси катта нозир, милиция катта лейтенанти Алишер Норқуллов, Самарқанд тумани ички ишлар бошқармаси жиноятларнинг олдини олиш бўлимаси бошлиғи, милиция майори Тўйчи Аҳтамовлар гивандлик билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар билан тил бириктириб, хизмат лавозимларидан фойдаланиб йирик микдордаги оғуларни ўзларига қарашли енгил машиналарда Термиздан-Самарқандга, Самарқанддан-Тошкентга етказиб бериб туришган. Биринчи мартаба 12 килограмм, иккинчида 32 килограмм, учинчи уринишда эса 40 килограмм (рақамларнинг охиби боришини қаранг) микдордаги гивандлик моддаси белгиланган манзилга элиб берилган. Мўмай пул, йирик даромаддан нафис қақкалаб отган жиноятчилар тўрттинчи мартаба 46 килограммга яқин оғу билан сафарга қийишганда қўлга тушибди. Бу гал Самарқанд шаҳридаги «Чўпонота» давлат автомобиль назорати хизматчилари хушёрлик қилишди.

Бу жиноий ишни кўриб чиққан Тошкент шаҳар суди гуруҳ аъзоларини қилимшига яраша жазоларди. Шунга қўра Аҳтамов — олий жазага ҳукми этилди, Норқуллов эса 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шундай қилиб ким мўмай даромад — нопок йўл билан бойлик топса охир-оқибат халқ нафратига урғашини ҳаётий тақриба яна бир бор исботлади.

Шу ўринда беихтиёр, «Хўш, бундай салбий ҳаракатларнинг нихоиси нима билан тугашини бу икки «хукуқ посбони» билишмасиди?», деган савол туғилди. Соғлом фикрловчи одам бу саволга дарҳол ижобий жавоб беради. Шундай экан, нега улар бундай қилишди? Ҳамма гап баъзи бир иллатларнинг томир-томиримизга сингириб кетганида, қаварсиз демократия ва адолат талабларини менсимасликда, ҳаётимиздаги ўзгаришларга аниқ ва

равшан қарай билмасликда, яна ҳам тўғрироғи нафс балосига гирифтор бўлишда. Бу бало шунчалик кучлики, унинг домига учраган кишининг боши кўни келиб албатта деворга урилади.

Фикримизнинг исботи учун яна бир мисол. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят-қидирув бўлимининг тезкор вакиллари — Абдуғофир Абдужалилов ва Баҳодир Ганиевлар мансаб доирасидан чиқиб танишлари, товланачи Сайёра Усмонованинг оғзаки илтимосига қўра Аъзам Мирзаулов ва Тохир Раҳимовларнинг изларидан тушибди. Биринчи бўлиб тузоққа А. Мирзаулов олинадди. Кейин Тохир ақанинг уйига бостириб борилади.

Улар кўчага чиқишиб машинага яқинлашганларида Тохир ака Аъзамнинг: «Нега чўнтагимга наша соласиз?» деб бақирганини эшитди. Унга жавобан Б. Ганиев Аъзамнинг

Эртами, кечми ҳар бир инсон ўз қилими учун шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Бунинг жамия-тимизнинг ҳар бир аъзоси юракдан ҳис этиши керак. Йўлбошчимиз: «Халқ очликка, йўқликка, ҳамма нарасага чидаши мумкин, аммо адолатсиз-ликка чидай олмайди», деган сўзларни тез-тез такрорлаб туришлари ҳам беҳиз эмас.

Яқинда «дом» да яшовчи бир дўстимизникига тўйга бордик. Тўй тарқаб катта кўчага чиқганимизда гўё қалқонга дуч келгандек бўлдик. Уч-тўртта ДАН хизматчилари атайлаб кўча бошида туриб олиб, тўйхонадан чиқиб кетган (уларнинг ўзлари ҳам шу тўйхонада алла-паллагача чакчақлашиб ўтиришган бўлишига қарамай) ҳар бир машинани тўхтатиб, ҳайдовчининг кайфи бори-йўқлигини «синчковлик» билан текширишарди. Таниш-билиш машина эгалари ёки «жарима пули»ни

ЖИНОЯТ ҚИЛГАН ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Муносабат

дуч келган ерига мушт туширади. «Жиноятчилар» ўша заҳоти шаҳар ички ишлар бош бошқармасига олиб келинади. Бу ерда уларга «ишлов» берилган, нихоят айбларга «икрор» бўлишди.

Иш хамирдан қил суғургандек осон битганидан «қонун ҳимоячилари» хурсанд. Энди улар бу айбсиз айбдорларни хоҳлаганча ўйнатишлари, истаган қўйга солишлари мумкин. Шу тобда бу бегуноҳ бандлар қанча десанг шуни беради, нима десанг истагини бажо келтиради.

Узоқ тортишиб ўтирилмади. Шаъма тарзида айтилган 6 минг долларга «жиноятчилар» дарҳол кўна қолишди. Воситачи сифатида Аъзам Мирзауловнинг уқаси Асрор қақиртирилди. Ишни пиштириш учун ака-укани ёлғиз қолдирдилар.

— Нима бўлди ака, тинчликми ўзи, — деди акасига етказилган тан жароҳатларини кўриб ҳайратланган ука.

— Емаган сомсага пул тўлаяпмиз, ука. Яхшиликка ёмонлик. Хўлас ҳозир бахшлашадиган вақт эмас. Қаердан бўлмасин 6 минг доллар топиш керак. Бизни кутқариб олмасан ҳолимиз вой. Тохир ака ҳам бир ҳолатда. Бу ердан омон-эсон чиқиб олсак улар билан ўзимиз гаплашамиз.

Асрор Мирзаулов таниш-билиш, қариндош-уруғларга югурди. Кечгача анча эшикни қоқиб, ялиниб-ёлбориб икки минг доллар йиғди. У Абдужалилов ва Ганиевларнинг хизмат доираларига қилиб ҳозирча 2 минг доллар топганини, қолган 4 минг долларини эса душанба куни айтилган жойга етказиб беришга ваъда берди.

Улар Асрорнинг галига аранг қўнишди. Қолган ўлжани қаерга олиб берилиши, вақти, жойи аниқ қилишилди. Шундай қилиб бир кунлик ҳисб вақтида не азорларни бошдан кечирган айбсиз-айбдорлар кечки соат 24 ларга яқин озод қилинди. Улар ҳеч бир сабабсиз расмий ҳужжатлар тузилмасдан уйларига қўйиб юборилди.

Қанча югур-югур, ариза ва шикоятлар, тасдиқини рўй-рост кўрсатувчи ҳолатлар, тиббий экспертиза хулосаларидан сўнг ҳақ жойига қарор топди. Лекин адолатни тиклаш учун кетган вақт ва асаббузарликларни айтмайсизми? Барибир одамлар кўзи ўнгиде рўй берган ҳақиқат ҳақ деб бўлмаганидек, ноҳақи ҳам ҳақ деб бўлмас экан. «Хукуқ посбонлари» ўзлари қазиман қўқурга ўзлари қуладилар.

Дунёда адолат қонун бора экан, ҳеч ким уни четлаб ўтолмайди. Оралик масофани эса вақт белгилайди.

Обуна — 99

«ДУСТ. ДРУГ. ДОС»

булоқ, кўнгли тоғдек ҳақидаги мақолалар инсонларнинг камтарлиги, ёритилади.

Корхона ва муассасалар обунасининг йиллик нархи — 960 сўм, индекс — 126.

Якка тартибдаги обуна-чилар учун — 480 сўм, индекс — 126.

Тошкент шаҳри учун: Идораий обуна — 720 сўм, индекс — 126. Якка тартибдаги обуна — 360 сўм, индекс — 125.

Телефонлар:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар: 133-28-95,

132-11-39.

факс: (3712) 133-29-09.

Ёнғин хавфсизлиги ойллги

МУЛОҚОТ ТАРЗИДА

Жаҳон тиллари университетиде Акмал Икромов туманидаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари, маҳаллалар оқсоқоллари ва фаоллари, талабалар, мактаблар ўқувчилари, корхона-ташкilotлар қошидаги ёнғин техник комиссияси аъзолари иштирокида ёнғин хавфсизлиги ойллги бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда оммани ойликка кенг жалб қилиш, жойларда ўт хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни раҳбар ходимлар ва маҳалла фаоллари билан биргаликда татбиқ этиш йўллари ва амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Бунда асосий эътибор ўт ўчириш, ер ости қудуқларини таъмирлаш, турар жойларга ёнғин техникаларининг бегуноҳ этиб боришига имкон яратиш, қиш мавсумида электр ва газ хизматлари билан ҳамкорликдаги ишларни яхшилаш масалаларига қаратилди ва қишда ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Ёнғин хавфсизлиги ойллгининг дастлабки ўн кунлиги натижаларига яқин ясалди.

Шаҳар ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси тасарруфдаги ўт ўчириш техникалари намойиш қилиниб, «тилсиз ёв»нинг хуружи пайтида ҳамкорликда кишиларни ёнғин қуршовидан олиб чиқиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, лозим бўлганда бирламчи ўт ўчириш воситалари билан оловга барҳам бериш йўллари амалий жиҳатдан тушунтирилгани айниқса фойдали бўлди.

Шаҳар миқёсида ва туманда бўлиб ўтган 172та катта-кичик ёнғин пайтида 1,5 миллион сўмлик моддий зарар келтирилганлиги, уларда 4 киши нобуд бўлганлиги



айтилиб, шундай ҳодисалар қайтарилмаслиги учун йиғилганларга ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидалари тушунтирилиб, уларда ва иш жойларда мавжуд нуқсонлари бартараф қилишга қақирилди.

Бевосита мулоқот тарзида ўтган тадбир давомида йиғилганлардан, айниқса ўқувчилардан тушган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

Дилмурод ИСМОИЛ.

СУРАТЛАРДА: аҳолига ўт ўчириш техникасининг имкониятлари намойиш этилмоқда.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

1998 йил 30 декабрь куни соат 11.00 да Очқ турдаги «Тошкент сўт» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳри — 131, Чилонзор даҳаси, 26-мавзеддаги манзилда жойлашган биносида очқ турдаги «Тошкент сўт» акциядорлик жамияти акцио-нерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Кузатув кенгаши таркибига ўзгаришлар киритиш.

Акционерлар 1998 йил 30 декабрь куни соат 9.00дан 11.00 гача рўйхатдан ўтказиладилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг

реклама-ахборот бўйича Комиссияси

замонавий реклама махсулотлари жойлаштири-ладиган транспорт бекатларининг дизайнини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича тендер эълон қилади.

Тендер ўтказилишининг шартлари ва техник топшириқлар билан танишиш учун 1998 йилнинг 15 декабрига қадар Тошкент шаҳар, Госпитал даҳаси, 12-уй манзили бўйича ёки 133-27-07, 136-33-31, 55-56-33, 54-04-87 телефонлари орқали мурожаат этишининг мумкин.

Янгийўл туманидаги «Умид» ХЖ банкрот ҳолатига тушиши муносабати билан қарзи бор корхоналар йиғилиши 1998 йил 10 декабрь куни соат 11.00 Тошкент шаҳри, А. Темура кўчаси, 24-уй, 416-хонада ўтказилади.

Яккасарой туманидаги «Яхшилик» фирмаси ТУГАТИЛАДИ

Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горшанба
ва ҳуна
кунлари чикади.
Навр кўрсатилган
209

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта
бунамаарига ёки «Тош-
кент почтаси»га 133-74-05
телефонига мурожаат
қилишининг мумкин.